



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Хар қайси халқнинг она тили ва адабиёти унинг миллий руҳи ва ўзлигининг, маданий-маърифий олами, миллий ғоясининг асоси ҳисобланади. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг «Хар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётдур. Миллий тили йўқотмак — миллатнинг руҳини йўқотмакдур» деган ҳикматли сўзлари ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Шунинг учун ҳам қачонки босқинчи ва истилочи қучлар эл-юртимизни ўзига қарам қилмоқчи бўлса, аввало, уни ўз тили ва динидан, тарихи ва маданиятидан, миллий ғуруридан жудо этишга уринган. Ўлкамиз қарамлик чангалига тушиб қолган истибод даврларида она тилимизнинг ривожланиши имкониятлари чеклаб қўйилган ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбек тили қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, унинг шаклланишида миллоддан олдинги ва миллоддан кейинги дастлабки асрларда минтақамиз ҳудудига яшаган бактрийлар, сўғдийлар, хоразмийлар ва бошқа элат ва миллатлар ўз таъсирини кўрсатгани ҳақида мавжуд илмий манбалар далolat беради.

Ўзбек тилининг ҳар томонлама тараққий топиши ва адабий тил сифатида майдонга чиқишида қадимий туркий тил катта ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлаш табиийдир.

Шу борада Махмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Атоий, Саккокий, Луфғий каби илмуфан ва адабиёт намояндalarининг хизмати ва қолдирган мероси муҳим ўрин эгаллаганини қайд этиш жоиз.

Ўзбек адабий тили айниқса XIV-XV асрларда — Амир Темури ва темурийлар даврида ривожланишининг янги, юксак босқичига кўтарилди. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий умумбашарият маданий хазинасидан муносиб ўрин олган ўлмас асарларини айнан она тилимизда яратиб, унинг шухратини бутун дунёга тараннум этди.

Захриддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммадрис Оғаҳий, Бобораҳим Машраб, Муқимий, Фуқрат каби ўнлаб мумтоз адиб ва аломаларимизнинг иходида она тилимизнинг луғат бойлиги, бадий имкониятлари, унинг гўзаллиги ва нафосати янада ёрқин намоён бўлганини таъкидлаш лозим.

Мустахлак тузумининг тазйикларига қарама-қарши, ўз ҳаётини халқимизнинг маънавий камолоти, она тилимизнинг раванг топишига бағишлаган Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Ўлпон, Абдулла Қодирий каби улў маърифатпарварларнинг улкан хизматларини, бу йўлда ҳақиқий ватанпарвар, юртпарвар, миллатпарвар сифатида из қолдирган зоти инсонларнинг номларини эл-юртимиз доимо ҳурмат билан эслайди.

Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойлиқнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлаш, уни бойитиш, нуфузини оширишни ўзимиз учун энг устувор, ўзвий давом этадиган юксак мақсад деб билишимиз ва бу масаланинг аҳамияти ҳеч қачон эътиборимиздан четда қолмаслиги зарур.

Бу борада 1989 йили юртимизда «Давлат тили тўғрисида»-ги қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани ва ушбу ҳуқуқий норма Конституциямизда муҳрлаб қўйилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунингдек, 1990 йили Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат тили тўғрисида»-ги қонунни амалга ошириш давлат дastури тўғрисида»-ги қарори, 1993 йилда «Лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»-ги қонун, 1995 йили «Давлат тили ҳақида»-ги қонуннинг янги таҳрири, 1996 йили ушбу қонунни амалга оширишга қаратилган давлат дastурига тегишли ўзгаришлар киритиш ҳақида Вазирлар

Маҳкамасининг қарори ва шу каби бошқа ҳужжатлар қабул қилинган бу борада муҳим аҳамият касб этди.

Ушбу соҳада яратилган норматив-ҳуқуқий база ўзбек тили билан бирга мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг ўз она тилини ривожлантириш ва уни эркин қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланишни кафолатлаб келаётгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Айни шу аснода Ўзбекистонда миллий тилларни ривожлантириш учун кенг шароит яратилгани, бугунги кунда юртимизда таълим-тарбия муассасалари ва оммавий ахборот воситалари етти тилда фаолият олиб бораётгани жамиятимиз ҳаётида миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига янада чуқур интеграциялашуви таъминлаш мақсадида чет тилларни, хусусан, инглиз тилини ўқитишнинг комплекс тизими яратилиб, амалда кенг жорий этилмоқда.

Ана шундай ишлар қаторида ўзбек тили ва адабиётининг халқимиз, жамиятимизнинг маънавий ривожига, замонавий илм-фан тараққиётида тутган ўрни ва роли билан боғлиқ долзарб мавзуларда муҳим илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, қўллагуф ва қомуслар, рисола ва дарсликлар нашр этилмоқда. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича мутахассислар, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, мазкур йўналишда фаолият олиб бораётган ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Айни вақтда бу соҳада мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз даркор. Энг аввало, она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, унинг тарихий индизларини чуқур ўрганиш ва илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш бугунги кунда ўта долзарб масалага айланмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда, фундаментал фанлар, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, саноят, банк-молия тизими, юриспруденция, дипломатия, ҳарбий иш ва шу каби ўта муҳим тармоқларда ўзбек тили ва адабиётининг қўлланиш доирасини кенгайтириш, унинг тарихий индизларини чуқур ўрганиш, шу мақсадда замонавий дарсликлар, этимологик ва қиёсий луғатлар яратиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш олдимида муҳим вазифа бўлиб турганини қайд этиш лозим.

Ҳозирги тез ўзгараётган глобаллашуви даврида ўзбек тили ва адабиётининг ўзига хос бетақор хусусиятлари, тарихий тараққиёти, унинг бугунги ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш, бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини кучайтириш, таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг ҳамда ушбу соҳа бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини тубдан ошириш мақсадида:

1. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетлари ҳамда Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти негизига Давлат Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети (кейинги ўринларда — Университет деб юритилади) ташкил этилсин.

Университет таркибига 3 та факультет: ўзбек филологияси, ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш, ўзбекистон тарихи ва адабиёти факультетлари, шунингдек, ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институти ташкил этилсин. Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи Университет таркибига

ўтказилиб, унинг негизига Ўзбек тили ва адабиёти музейи ташкил этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Университет ўзбек тили ва адабиёти бўйича филолог мутахассислар, илмий-педагог кадрлар, юқори малакали таржимонлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, соҳа ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, айни шу йўналишларда илмий ва ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади.

3. Университетнинг асосий вазифалари эътиб қўйиладиган белгилансин:

Ўзбек тили ва адабиётини, унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий-назарий, фалсафий-эстетик асосларини, замонавий таълим технологияларини чуқур ўзлаштириш, давр талабларига жавоб берадиган юксак малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш;

илмий, бадий ва бошқа соҳалардаги адабиётларни ўзбек тилидан инглиз ва бошқа хорижий тилларга, шунингдек, жаҳон тилларидан она тилимизга юксак сифат ва маҳорат билан таржима қиладиган таржимонлар тайёрлаш;

талаба ёшларни, ўзбек тили ва адабиётининг бой имкониятларидан фойдаланган ҳолда, Ватанга муҳаббат ва садоқат, умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида, кенг дунё, қарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш;

Ўзбек тили ва адабиёти, фольклорининг тарихан шаклланган адабий, лингвистик мактаблари ва таълимотлари, мумтоз ва замонавий методларини, буюк аждодларимизнинг ўзбек ва жаҳон тилшунослиги ривожига қўшган ҳиссаси, уларнинг илмий мероси, она тилимизнинг халқаро миксдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари, ўзбек тили ва адабиётининг ривожланиш истиқболлари билан боғлиқ илмий муаммоларни тадқиқ этиш;

Ўзбек тилининг асл табиати ва хусусиятларини тўла акс эттирадиган мукаммал академик ва ўқув грамматикаларини яратиш, унинг товушлар тизими ва уларнинг ёзувда акс этиши, жорий имло қоидаларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тақлифлар тайёрлаш, турли мавзу ва йўналишлар бўйича луғат ва қомуслар, рисола ва дарсликлар яратиш;

умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг янги ва самарали методлари бўйича илмий изланишлар олиб бориш, илгор педагогик технологияларни кенг жорий этиш;

она тилимизнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллаш таъминлаш, унинг компьютер услубини, ўзбек тили ва адабиётининг тарихий индизларини асосида таржима дastурулари ва луғатлар, электрон дарсликлар яратиш билан боғлиқ илмий-методик ишланмалар, амалий тавсиялар тайёрлаш ва бу борада эришилган натижаларни амалиётга кенг татбиқ этиш.

4. Университет фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этиш учун иловага мувофиқ таркибда республика комиссияси тuzилсин.

Республика комиссияси (Ш.Мирзиёев)га:

Университет фаолиятини йўлга қўйиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарорини тайёрлаш вазифаси топиширсин.

Ушбу қарорда Университетнинг таркибий тuzилмаси ва штат

бирликларини тасдиқлаш, Университетни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш, устав ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Университетни вақтинча жойлаштириш учун тегишли бино билан таъминлаш;

Университетни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, шу мақсадда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг тугатилаётган ўзбек филологияси, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетлари ҳамда Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг раҳбар ва илмий ходимлари, профессор-ўқитувчиларини белгиланган тартибда аттестациядан ўтказиш;

Университет олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув режалари ва дastурулар, ўқув адабиётларини тайёрлаш ва нашр этиш;

Университет учун қуриладиган ва реконструкция қилинадиган тегишли бинолар, унинг ҳудудига майдон ва хибонларни реконструкция қилиш мақсадида қурилиш-монтаж ишларини ташкил этиш, хусусан, бош лойиҳачи ва пудратчи ташкилотларни, истисно тариқасида, тендер савдолари ўтказмасдан танлаш, қурилиш-монтаж ишларини лойиҳақидирув ишлари билан бир вақтда олиб бориш ва уларнинг белгиланган муддатда молиялаштирилиши таъминлаш, қурилиш-монтаж ва жиҳозлаш ишларини 2017 йилнинг 1 августига қадар якунига етказиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўзда тутилсин.

5. Университетда ўқув жараёни 2016/2017 ўқув йилидан бошлаб ташкил этилсин ва 1-курсга қабул кўрсаткичлари бўйича тақлифлар ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этилсин.

6. Ўзбекистон Бадий академияси бир ой муддатда:

Университетнинг бош биниси олдига майдонда улў шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳайкалининг ўрнатиш бўйича тегишли ташкилотлар билан биргаликда ижодий танлов эълон қилсин ва уни белгиланган тартибда ўтказсин;

ҳайкални яратиш ва ўрнатиш билан боғлиқ харажатларнинг ҳисоб-китобини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этсин.

7. Университетнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатлар бўйича мамлакатимиз ҳудудига олиб кириладиган компьютер техникаси, махсус асбоб-ускуна ва инвентарлар, истисно тариқасида, 2020 йилнинг 1 январига божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) тўлашдан озод қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар академияси бир ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мазкур Фармонни кенг ёритиш тавсия этилсин.

10. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ



Гўзал Фарғона меҳмонларни кутмоқда



Бугун Фарғона шаҳрига борган киши бу сўлим ва гўзал шаҳар янада чирой очгани, кўркамлашгани, турфа гулларга бурканганини кўради. Фарғона халқаро аэропортидан чиқиб, исталган томонга юринг, кенг ва равон кўчалар, бири-биридан муҳташам турар-жой бинолари, санъат, спорт қошоналари, замонавий тиббиёт, таълим масканларини кўриб кўз қувонади, қалбингиз гурурга тўлади.

Қайта қурилган, янги қиёфга эга бўлган, озода, осойишта, кўкси баланд Фарғонада яна бир ҳаяжон, қувонч кезмоқда. Бу — бўлажак Универсиада ҳаяжони ва қувончидир.

«Универсиада — 2016» спорт ўйинларини бугун нафақат фарғоналиклар, балки барча юрдошларимиз, айниқса, ёшлар ўзгача иштиёк билан кутмоқда. Мусобақанинг финал босқичини юқори савияда ўтказиш мақсадида Фарғонада алоҳида дastури асосида пухта ҳозирлик кўрилиб, барча манбалар ҳисобидан 31,4 миллиард сўм маблағ сарфланади.

Мусобақа қатнашчилари учун 6 муассасада 2012 ўринли турар-жойлар белгиланиб, жамоат хавфсизлиги таъминланади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда спорт турлари бўйича 14 нафардан иборат бош ҳакамлар ҳайъати, 175 нафар ҳакамлар таркиби шакллантирилди.

Ташкилий қўмита маълумотларига қараганда, иштирокчиларга жами 1 миллиард сўмлик совғалар ва спорт формалари жамланмиси тақдим этиш кўзда тутилмоқда. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда голибларни тақдирлаш учун 300 қимматбаҳо совғалар тайёрланмоқда.

— Спорт байрами кунларида иштирокчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади, — дейди Фарғона давлат университети жисмоний маданият кафедраси мудири Қодиржон Жабборов. — Меҳмонлар Фарғонанинг диққатга сазовор жойлари, таълим муассасаларида яратилган шароитлар билан яқиндан танишади. Улар учун вилоятимизнинг тарихий масканлари ва замонавий объектларига саёҳат уюштирилади.

Бугунги кунда «Универсиада» спорт ўйинлари орқали жаҳон ареналарига чиқиб, мамлакатимиз довуғини дунёга ёйган спортчиларимиз кўпчилигини ташкил этади. Ишонамизки, Фарғонада ўтадиган мусобақада ҳам янги номлар кашф этилади ва улар халқаро майдонларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қиладилар. Энг муҳими эса бундай мусобақалар ёшларимизни спорт билан бир умрга дўстлаштиради, уларнинг саномадлигини мустаҳкамлайди.

Ўз муҳбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 13 май

МУНОСАБАТ

■ Тинчлик улугъ неъмат экани, орзу-ҳавас, мурод-мақсадларимиз фақат тинчлик орқали амалга ошишини янада чуқурроқ тушуниб етдим.

БАХТ — ТИНЧЛИК, ХОТИРЖАМЛИКДА

Президентимиз томонидан пойтахтимиздаги Хотира майдонида айтилган фикрлар юртдошларимиз, партиямиз фаоллари ва депутатлар томонидан қизғин ўрганилмоқда. Мамлакат тараққиётида тинчликнинг аҳамияти ва қадр-қиммати ҳақида кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.



Зулайҳо АҚРОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Президентимизнинг фикр-мулоҳазалари ҳар биримизни ҳушёрликка, ҳалқаро майдондаги вазиятни тўғри баҳолаб, ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан сез-гир муносабатда бўлишга ундайди. Тинчлик ва омон-лик ҳақидаги ниятлар ҳалқимизнинг юрагидан чуқур жой олган. Энг муҳими, бу мезон мамлакатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг ҳеч қандай ҳарбий блокада қўшилмаслиги ва мамлакатимиз ҳудудидан чет давлатларнинг ҳарбий базалари жойлашувига, ҳарбий хизматчиларнинг мамлакатимиз ташқарисидан бўлишига йўл қўймаслик сиёсатини қонун билан мустаҳкамлаб қўйганимизни бутунлиги мурраккаб вазиятда ўзимиз учун энг маъқул ва тўғри йўл, деб биламиз, дея таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, қонунчилигимизда Ўзбекистон тинчликпарвар сиёсат олиб бориши ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслиги, ҳар қандай давлатлараро тузилма ҳарбий-сиёсий блокада

айланадиган бўлса, ундан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиши аниқ қайд этиб қўйилган.

Шунинг ўзи ҳам давлатимиз доимо тинчлик, тотувлик, ўзаро ҳамжиҳатлик тамойилларига содиқлигини намойиш этиб келмоқда. Ўз навбатида, бу меъёр ҳалқимизнинг иродаси, орзу-интилишларига ҳам ҳар томонлама мос келади.

Республикамиз минтақамизда ва глобал миқёсда тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлашга қаратилган ҳалқаро ҳужжатларга қўшилган. Мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминловчи муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинган, уларнинг ижроси изчил таъминлаб келинмоқда. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги, «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги, «Муҳофазат тўғрисида»ги қонунлар ҳалқимиз осойишталигини таъминлашда асосий омил бўлмоқда.

Бир ўйлаб кўрайлик. Нотинч жойда тараққиёт

бўладими? Оиласи, фарзандлари ва яқинлари омонлигини ўйлаб, ҳаловат топмайдиган одам ўзини бахтли ҳис қила оладими? Йўқ, албатта. Аксинча, тинчлик, осойишталик бўлган жойдагина инсон эзгу орзулар ҳақида ўйлайди, уларни амалга оширишга ҳаракат қилади.

Биз тинчликсевар ҳалқимиз. Уйимиз, маҳалламиз, юртимиз тинч бўлса, хотиржам меҳнат қилиб, янги-янги марраларни забт этамиз, ҳар қандай ютуққа ўз кучимиз билан эришамиз.

Бугун мамлакатимиз тинч, одамлар бемалол ишлаши, орзу-ниятларига етиши учун шароит ҳам, имконият ҳам етарли. Бу одамзод учун буюк неъмат, улугъ бахт аслида.

Турли мафкура ва қарашлар авж олган ҳозирги замонда инсон онгу тафаккурини бузғунчи ғоялар билан забт этишга бўлаётган ҳаракатларга бепарво қараб бўлмайди. Шу боис тинчликнинг қадрини ва аҳамиятини ҳақида ёшларимиз ўртасида тарғибот ишларини янада кучайтиришимиз талаб этилади.

Партияимиз дастурида ҳам тинчлик-осойишталикни асраш, эл-юрт фаровонлигини таъминлаш, ҳалқимиз ўртасидаги ижтимоий бирдамликни мустаҳкамлаш масалалари алоҳида ўрин олган. Демак, партиямиз ташкилотлари, биз, депутатлар бу борада доимо фаол бўлишимиз зарур.



Орифжон ИСМОИЛОВ,
халқ депутатлари Зангиота
туман Кенгашидаги
ЎзХДП гурӯҳи аъзоси:

— Тўғриси, болалигимда отам дастурхон атрофида «Дунёмиз, юртимиз тинч бўлсин», деб дуо қилса, ҳайрон қолардим. «Уйимиз тор, кичкина, нега отам каттароқ уйимиз бўлишини сўрамайди», деб ўйлардим. Лекин ёшим улғайиб, дунёдаги воқеа-ҳодисаларни кузатиб, аслида тинчлик улугъ неъмат экани, орзу-ҳавас, мурод-мақсадларимиз фақат тинчлик орқали амалга ошишини янада тушуниб етдим. Отамнинг дуолари замирида ҳам ана шу ҳақиқат ётганини англадим. Икки одам учрашганда, аввало, бир-бирига тинчлик-омонлик тилашида ҳам шу ҳикмат мужассам экан-да, деб ўйлаб қолдим. Илоҳим, тинчлигимизга кўз тегмасин.

Давлатимиз раҳбари Хотира майдонида ҳалқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш, турли бало-қазолар юртимизга кириб келишининг олдини олиш зарурлигини яна бир бор таъкидлади. Бу бежиз эмас, албатта.

Бугун дунёнинг қатор мамлакатларида таҳдид-таҳлика авж олиб, одамлар ҳаёти жиддий хавф остида қолмоқда. Оммавий ахборот воситалари орқали хабардор бўлаяпмиз: айрим давлатларда қандай хунрезликлар бўлаёт-

Биз тинчликсевар ҳалқимиз. Уйимиз, маҳалламиз, юртимиз тинч бўлса, хотиржам меҳнат қилиб, янги-янги марраларни забт этамиз, ҳар қандай ютуққа ўз кучимиз билан эришамиз.

ганини. Баъзи давлатларда эрталаб фарзандларини ўқишга, турмуш ўртоғини ишга кузатган она уларнинг эсон-омон қайтиб келишини минг ҳадик, хавотир билан кутади. Шукрки, юртимизда тинчлик, осудалик ҳукм сурмоқда. Бу бизнинг чинакам бахтимиз.

Отам Боқижон Исмоилов 1941 йилда 17 ёшида фронтга кетган. У негадир уруш хотираларини сўзлашни унчалик хуш кўрмас эди. «Ишқилиб, биз кўрдик, сизлар кўрманглар!» деб хўрсиниб қўярди. Айрим пайтлари урушда бирга қатнашган дўстлари ҳақида гапирарди. Урушда қимдир «Ҳали ғалаба

қозониб, уйимизга қайтсак, ҳаммангизни тўйимга чақираман, яйраб ўйин-қулгу қиламиз», деса, яна биров «Келаётганимда ўелим энди туғилган эди, юртимизга қайтганимизда тўйга айтаман», деб орзу қиларди. Лекин ҳаммаси ҳам ниятига ета олмади. Шулар ҳеч ҳаёлимдан кетмайди, бунини унутиб бўладими, дерди отам ух тортиб. Кейин билсам, бир вақтлар уруш келтирган офатлар, одамларимиз бошига солган қулфатлар, хотиралар унинг қалбидан оғир жароҳатлар қолдирган экан.

Отамнинг узоқларга термулган нигоҳларида нималар акс этганини тушуниб етгандай бўламан. Англайманки, отам урушнинг муҳиш жаборини, ғалаба учун курашган одамларимиз бошидан ўтказган қийинчиликларни кўп ўйлайди. Отамга Истиклолни, ўзи орзу қилган бугунги дориламон кунларни кўриш насиб этди. Бугун фарзандлари, неваралари қуршовида тинчлик ва осудаликда ҳаёт кечирмоқда.

Хотира ва қадрлаш қунига бағишлаб партиямиз ташкилотлари ташаббуси билан икки авлод учрашувлари ўтказилди. Уларда уруш ва меҳнат фахрийлари ёшларимизга машаққатли кунлар хотиралари, сабоқлари ҳақида сўзлаб беришди, бугунги тинчлик ва хотиржамлик замонига шукрона келтиришди. Бундай суҳбатлар ёшларимиз ҳар томонлама оғоҳ ва хушёр бўлиб улғайишида, ҳаётни чуқурроқ тушуниб етишида муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

■ 2016 йил —
СОҒЛОМ ОНА ВА
БОЛА ЙИЛИ

Жиззахда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва уларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлашга бағишланган тadbир бўлиб ўтди.

Давлат дастури ижроси ва жамоат ташкилотлари

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган тadbирда Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, турмуш шароитларини янада оқсальтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида аҳоли, жумладан, хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини янада ошириш бўйича жамоат ташкилотлари олдига ҳам муҳим вазифалар қўйилган.

ХДП Жиззах вилояти кенгаши аъзоларининг 40 фойизи хотин-қизлардир. Минтақавий ва маҳаллий партия ташкилотларида 300 нафар хотин-қиз фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларида 29 депутат аёл партия электорати манфаатини ҳимоя қилади.

Тadbирда аёллар, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, айниқса, касб-ҳунар коллежларини битираётган қизларни ишга жойлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳофаза қилинди. Партиянинг «Фаол аёллар» қаноти томонидан ўтказилиб келинаётган «Аёллар соғлиги — жамият бойлиги», «Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари», «Қонунлар тарғиботи ойлиги» ва бошқа маънавий-маърифий тadbирлар самарадорлигини ошириш юзасидан фикр алмашилди.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг партия Сайловолди дастури билан муштарак йўналишларидаги вазифаларни амалга оширишда партиянинг ҳудудий ва қўйи ташкилотлари фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, қизларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар егаллашига кўмак беришдаги ишлар тахлил қилинди.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ҳамда партиямиз дастури ижроси доирасида асосий йўналишлар бўйича амалга оширилаётган тadbирлар режаси ишлаб чиқилган, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилояти кенгаши раиси Мўътабар Қаримова. — Унга кўра, май-июнь ойларида «Эрта никоҳнинг олдини олиш она ва бола саломатлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади» шиори остида тарғибот ойлиги, «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш диққат марказимизда» мавзусида қишлоқ хотин-қизларини спортга жалб этиш йўналишида турли тadbирлар ўтказилади.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири.

■ ЎзХДП ТАШАББУСИ БИЛАН

12 май —
Халқаро ҳам-
ширалар кuni
сифатида бутун
дунёда, шу
жумладан, рес-
публикамизда
ҳам кенг ни-
шонланади.



Семинар ШОТЎЛАНОВ оғлан суғар.

Шарафли ва масъулиятли касб

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари ушбу сана муносабати билан Тошкент тиббиёт академияси Олий ҳамширалик иши факультети ўқитувчилари ва талабалари билан учрашув ўтказди.

— Бемор саломатлиги учун қайғурадиган, уларга дарров ёрдамга шошиладиган, самимиёт ва ширин сўзи билан далда бўладиган ҳамширалар хизмати ҳар қанча эътирофга лойиқ, — дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Гулшан Асқатова. — Республикаимиз тиббиёт муассасаларида фаолият кўрсатган ҳамширалар меҳнатини муносиб рағбатлантиришга ҳукумати-миз томонидан доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатишда, айниқса, патронаж ҳамширалари муҳим ўрин тутди. Айни пайтда мамлакатимизда ўн етти мингдан зиёд патронаж ҳамширалари фаолият кўрсатмоқда. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида патронаж ҳамшираларининг сони, маънасини ошириш масалаларини ҳал этиш белгилангани кичик

тиббиёт ходимлари фаолиятига берилаётган эътиборнинг яна бир намунаси.

— Одамларга нафнинг тегиши, уларнинг дардига дармон бўлиши — катта бахт, — дейди Тошкент тиббиёт академияси Олий ҳамширалик иши факультети талабаси Камола Худойбердиева. — Биз шифокорлар, қишлоқ врачлик пунктлари, шойин-лич ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам илмий марказларида барча муолажаларни бажара оладиган мутахассис бўлиб етишамиз. Соҳадаги янги технологиялар билан ишлаш, мустақил режа тузиш бўйича дарс машғулотлари олиб бориляпти. Бу касбимизнинг етук билимдони бўлишимизда асосида, албатта.

Тadbирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Саттор Раҳматов иштирок этиб, тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳақида атрофлича маълумот берди. Учрашувда, шунингдек, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, сифатли тиббий ёрдам кўрсатишда ҳамшираларнинг ўрни хусусида ҳам фикр алмашилди, мулоҳазалар билдирилди.

Ўз мухбири.

■ ЎзХДП БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Ижобий натижалар кўзга ташланмоқда

Навоий вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказидаги Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотига 100 нафардан ортқ аъзо бирлашган.

— ЎзХДП аъзоларининг аксариятини хотин-қизлар ташкил этади, — дейди БПР етакчиси Эътибор Назарова. — Шунинг учун ҳам уларнинг сиёсий билимини

лат муҳофазасида, «Аёллар соғлиги — жамият бойлиги» мавзуларида давра суҳбатлари, сиёсий ўқув ва тadbирлар ташкил қилиб келинмоқда.

Навоий вилоятида партиямиз аъзолари сони 19500 нафарни ташкил этади, улар 441 бошланғич ташкилотга бирлашган.

янада оширишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Бошланғич партия ташкилотимиз барча зарурий адабиётлар ва қўлланмалар билан таъминланган. Соғлом она ва бола йили мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, ҳар ҳафта «Тараққиёт пойдевори» — соғлом она ва бола қўлида, «Оналик ва болалик — дав-

— Вилоятда партиямиз аъзолари сони 19500 нафарни ташкил этади, улар 441 бошланғич ташкилотга бирлашган, — дейди ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши сектор мудири Фаррух Шахриев. — Нуротадаги «Нурота ширкат хўжалиги», Хатирчи туманидаги «Пахтакор» МФЙ, Навбахор туманидаги

«Бешрабат» МФЙ, Зарафшон шаҳридаги «Зарафшон қурилиш бошқармаси» ҳамда Қизилтепа туман тиббиёт бирлашмасидаги бошланғич ташкилотларимиз намунали фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг етакчилари бошланғич ташкилотлар фаолиятига оид ҳар бир тadbирда фаол иштирок этиб келмоқда. Шу билан бирга, партия фаолиятига алоқадор аҳолиликларни мунтазам равишда маҳаллий аҳолига етказиб бормоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, Навоий вилоят партия кенгаши томонидан бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Фаолияти суҳт бўлган бошланғич ташкилотлар учун манзилли чора-тadbир режалари ишлаб чиқилиб, уларнинг фаолияти янада жонлантирилмоқда. Бугунги кунга келиб бир қатор бошланғич партия ташкилотларида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда.

Илхом САТТОРОВ,
ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ мухбири.

ИСТИҚЛОЛ
ИМКОНИЯТЛАРИ

■ Мустақилликдан айланай, одамларимизнинг турмуш тарзигина эмас, онги-шуури ҳам ўзгарди.

Жомнинг бугунги жамоли

Самарқанд билан Қашқадарё вилоятининг ўртасида жойлашган Жом қишлоғининг тарихи узоқ-узоқларга бориб тақалади. Нуробод туманининг шарқий ҳудудидаги тоғлар бағридан бошланадиган бу қишлоқнинг қуйи қисми Чироқчи ва Улус чўлларига туташиб кетади. Жомликлар азалдан чорвачилик ва ғаллачилик билан шуғулланиб келишади. Тоғларидан қазиб олинаётган мармар сифатли қурилиш хомашёси ҳисобланади.

Мазкур қишлоқ аҳолиси 25 минг нафар атрофида. Ҳудудда 4 маҳалла фуқаролар йиғини, 7 умумтаълим мактаби, 2 қишлоқ врачлик пункти, касб ҳунар коллежи, бозор, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, кўплаб савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд.

— 95 ёшга кирдим, — дейди **Омондара маҳалласида истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийси Ислам Неъматов**. — Бир умр таълим тизимида ишладим. Мустақилликдан айланай, одамларимизнинг турмуш тарзигина эмас, онги-шуури ҳам ўзгарди. Биргина Жом ва унинг атрофларидаги қишлоқларда амалга оширилаётган ишларга қараб кайфиятнинг кўтарилиб кетади. Янги-янги мактаблар, замонавий касб-ҳунар коллежи, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, кўприклар барпо этилди.

Жомни уч томондан қуршаб турган тоғлардаги серсув булоқлардан бошланадиган кичик-кичик жилгалар бирлашиб, катта сойга айланади. Қишлоқ бўйлаб оқувчи сой устига кўприклар қурилган. 2012 йилнинг баҳоридagi сел кўприкларнинг аксариятини вайрон этди. Маҳаллалар оқсоқоллари ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг сазй-ҳаракати туяйли ушбу муаммо қисқа муддатда ечим топди.

Давлат бюджетидан ажратилган 2 миллиард 271 миллион сўм маблағ эвазига 2013-2014 йилларда Омондарасой, Омондара, Дугоб, Ҳапринсой, Каримовул кўприклари қайтадан тикланди.

Жом қишлоғининг юқори қисмида XI асрда барпо этилган Ғиштбанд сув омборининг қолдиқлари ҳозиргача сақланиб қолган. Унинг тарихи ҳақида Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг 14-жилдида қуйидагилар келтирилган:

«Ғиштбанд — XII асрдаги сув омбори тўғонининг қолдиғи. Омондарасойда жойлашган. Ғиштбанд Омондарасойнинг энг тор қисмида бўлиб, ҳозирги баландлиги 9 метр, узунлиги юқори қисмида 24,5 метр, асосида 10 метр, қалинлиги юқорисидида 5,5 метр, асосида 9 метр. Ғиштбанднинг сув тўпланадиган ички томони тик, ташқариси зинапоё шаклида. XII асрда чуқурлиги 9 метр, узунлиги 700 метр, кенлиги тўғон олдида 25 метр, юқори томонидида 100 метр бўлган. Қишқи ва баҳорги сел сувлари омборга тўланиб, сув захирасини ҳосил қилган. Ғиштбанд туғайли Самарқанд ва Қарши оралиғидаги қадимги қарвон йўли ёқасида мустаҳкам қалъа қад кўтарган. Қалъанинг ҳаробалари ҳозирги вақтда Каттадепа деб аталади. У Ғиштбанддан 5 километр



Бегали КОДИРОВ олган сурат.

Мустақиллик шарофати билан аҳолининг неча юз йиллик орзуси амалга ошадиган бўлди. Жомда сув омбори қурилиши учун Давлат бюджетидан 3 миллиард 200 миллион сўм ажратилди.

ғарбда, Жом қишлоғи яқинида жойлашган. Жом қишлоғининг ўзидида 250-300 гектар ер майдони суғорилиб, обод этилган. Сув омбори нураш, лойқа бошиши натижасида ишдан чиққан».

Ўтган асрда мазкур сув омборини қайтадан тиклаш борасида кўп бора ҳаракат қилинди. Аммо мустабид тузум даврида бунинг иложи

бўлмади. Мустақиллик шарофати билан аҳолининг неча юз йиллик орзуси амалга ошадиган бўлди. Жомда сув омбори қурилиши учун Давлат бюджетидан 3 миллиард 200 миллион сўм ажратилди.

— Умр бўйи қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ишлаганим сабабли бўлса керак, мен қишлоғимизнинг деҳқончилик ва чорвачилик борасидаги имкониятларини яхши биламан, — дейди **88 баҳорни қаршилаётган меҳнат фахрийси Бердимурод Равшанов**. — Қишлоқда узоқ йиллар бош агроном, бўлим бошлиғи бўлиб ишлаганман. Экинларимиз асосан лалмикор ерларда етиштирилади.

Дарвоқе, кейинги даврда қишлоқ ҳудудидаги бунёдкорлик ишларининг қўламини кенгайтириб бормоқда. Ўтган йили Жом қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бошбулоқ қишлоғида 334,3 миллион сўмга 21-умумтаълим мактабининг филиали, 656,4 миллион сўмга маданият ва аҳоли дам олиш маркази барпо этилди.

Ҳозирги кунда Гирдикўрғон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 615 миллион сўмлик газ баллонларини сақлаш сервис маркази қурилиши бошлаб юборилди.

— Бундай эзгу ишлар маҳаллалар оқсоқоллари ва фаолларининг, ЎзХДП аъзоларининг, партияимиз хайрихоҳларининг таклиф ва ташаббуслари билан амалга ошайтгани бизни қувонтиради, — дейди **ЎзХДП Нуробод туман кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Ўктам Сатторов**. — Яқинда қишлоғимиз ўртасидан ўтган автомобиль йўлини мукамал таъмирлаш масаласи кўтарилди. Ушбу масала ҳам тегишли ташкилотлар томонидан ўрганилмоқда.

Озод Ватанимизнинг обод қўлашига айланаётган Жомнинг бугунги қиёфаси қишлоқдошлар ҳамжиҳатлигининг, тотувлигининг мева-си, истиқлол берган имкониятларнинг натижаси, десак асло муболага бўлмайд.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁДУНЁ
ШАҲАРЛАРИҳавоси тобора
ёмонлашиб бормоқда

Дунё шаҳарларида истиқомат қилувчи аҳолининг 80 фоиздан ортиғи инсон саломатлиги учун муғлақ зарарли бўлган ҳаводан нафас олади. Бу ҳақда Жаҳон солиқлиқ сақлаш ташкилоти (ЖССТ) хабар қилди.

Хабарда айтилишича, кўпгина шаҳарларда ҳаво таркиби ёмонлашган. 2008 йилдан 2013 йилга қадар зарарли моддалар қорисмаси 8 фоизга ошган. Энг хавоси оғир шаҳарлар орасида Деҳли, Қоҳира, Дакка ҳамда Хитойнинг айрим шаҳарлари олдинги ўринларни эгаллайди.

Европа ҳамда АҚШ шаҳарларида эса ҳаво ҳолати яхши томонга ўзгармоқда. ЖССТ нашр этган хабарда Европа ва Америка шаҳарлари «яшил зона»да жойлашгани туяйли уларда атмосферага зарарли моддалар тарқалиши сезиларли даражада пасайган.



Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳавонинг ёмонлашиши шаҳар аҳолиси соғлиғига жиддий зиён етказиши мумкин. Юрак, қон томир касалликлари, инсульт, нафас йўллари ва ўпка хасталликлари ҳалинчи хавфини ортиради.

Бу муаммодан асосан ёшлар, қаришлар ва аҳолининг қашшоқ қатламлари кўпроқ азият чекмоқда.

ИШСИЗЛИК

сўнгги 12 йил ичидаги энг
юқори даражага чиқди

Бразилия география ва статистика институти берган маълумотларга кўра, 2016 йилнинг



1-чорагида мамлакатдаги ишсизлик даражаси 10,9 фоизга ошган. 2015 йилнинг 4-чорагида эса бу кўрсаткич 9 фоизни ташкил этган. 2014 йилнинг 4-чорагида эса 7,6 фоиз эди.

2016 йилнинг январь-март ойларида 2004 йилдан буён ишсизлик даражаси энг юқори кўрсаткичга кўтарилган давр бўлди, дейилади «Вести экономика» нашрининг хабарига.

ҚУМ
САҲРОСИДАГИ

ғалати ишлар

Саудия Арабистонидаги саҳроларнинг бирида содир бўлаётган ҳолат маҳаллий аҳолини ҳайратга солимоқда.

Яъни, битта ўра техника ёрдамида ичига ташланган қум ва туپроқни бир неча сония ўтгач, ташқарига отиб юборади. Умуман, ушбу чуқурга ташланган ҳар қандай нарса бир неча лаҳза ичиди қайтиб чиқмоқда. Ҳозиргача бу сирнинг сабабларини аниқлаб бўлмапти. Олимлар ушбу табиат ҳодисаси устида изланиш олиб боришмоқда.

Халқаро
Меҳнат
Ташкилоти
билан
ҳамкорликда

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида тизим ҳуқуқшунослари, ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича мутахассислар ҳамда Кенгаш қошидаги Юридик клиника волонтерлари учун навбатдаги семинар ташкил этилди.



Семинарда Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ)нинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари бўйича Бюроси бош мутахассислари С.Гловацкас, Л.Сиббель ҳамда «Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастурини амалиётга татбиқ этиш» лойиҳаси бош техник маслаҳатчиси Х.Талига иштирок этишди.

Семинарда ХМТ ҳамда Ўзбекистон Республикаси ўртасида ўзаро ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ташқи ишлар
вазирлиАҚШ элчиси
билан учрашди

11 май куні Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комилов АҚШ элчиси Памела Леора Спратленни қабул қилди. Бу ҳақда вазирлик матбуот хизмати хабар тарқатган.

Сўхбат давомида турли соҳалардаги Ўзбекистон-АҚШ муносабатларининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Ҳамюртимиз

нотиқлик танловида
ғолиб бўлди

Ўзбекистонлик талаба Бахтиёр Раҳимбобоев корейс тилида нотиқлик санъати танловида ғолиб бўлди, деб ёзади UzDaily. Танлов Жанубий Корейнинг Кيونгхи университети ва Yonhap агентлиги томонидан ташкил қилинди.

Yonhap маълумотларига кўра, танловнинг финал босқичида 15 мамлакатдан 17 талаба иштирокчи қатнашган.

Танлов бу йил 19-мартга ўтказилган. Ташкилотчилар 43 мамлакатдан 1,3 мингга яқини қабул қилган.

Эслатиб ўтамиз, аввалроқ Япониянинг Токио шаҳрида чет эл элчихоналари ходимлари ва чет элликлар ўртасида бўлиб ўтган XIX «Япон тилида нотиқлик санъати» танловида ҳам ўзбекистонлик Фахриддин Эргашев ғолиб бўлган эди.

■ ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги
Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг
бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш
Жамоат фонди

«Қонунчиликни мустаҳкамлаш, инсонларда қонунга ҳурматни, юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини таъминлаш» мавзусида

ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиниши бошланганлигини
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қуйидаги йўналишларни назарда тутиб ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. Худудий электрон ОАВда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий қоидалари, принциплари ва мақсадларини очиб беришга, Бош қонун нормалари меъёрлари ҳақидаги билимлар тарғиботи, 2011 ва 2014 йилларда унга доир қабул қилинган тузатишларнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилишга қаратилган махсус телерадио дастурлар, роликлар тайёрлаш;

2. Жамиятда қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини, уларнинг, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган (оддий фуқаролар, тадбиркорлар, пенсионерлар, ногиронлар, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари) қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида хабардорлигини янада оширишга қаратилган туркум маънавий-маърифий тадбирлар (давора суҳбатлари, семинарлар, телерадио дастурлар, матбуот ва интернет тармоғидаги мақолалар) ўтказиш;

3. Худудий электрон ва босма ОАВда барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонун ва ҳуқуққа нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни, турли соҳалар (йўл ҳаракати қоидалари,

шаҳарсозлик нормалари, коммунал ва йўл ҳўжалиги, қўшнилар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар ва бошқалар)да қонун ҳужжатларига риоя қилмаслик фактларини жамоатчилик томонидан муҳокама қилиниши муҳитини шакллантиришга қаратилган материаллар тайёрлаш;

4. Адвокатлар палатаси ва унинг худудий бошқармалари билан биргаликда қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ долзарб масалаларни аҳолига тушунтириш мақсадида телевидение, радио, босма нашрлар, интернет тармоғида махсус руқнлар тайёрлаш;

5. Шахсий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мавжуд ҳуқуқий механизмлари ҳақида фуқароларнинг хабардорлигини оширишга, уларда амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билими, маълумоти, қўниқмалари ва тайёргарлигини шакллантиришга қаратилган мавзуга оид телерадио дастурлар, мақолалар тайёрлаш;

6. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ваколатлари, жойларда мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун уларнинг ваколатларидан фойдаланиш имкониятлари билан аҳолини таништириш бўйича кенг ахборот-тушунтириш ишларини ўтказиш;

7. Худудий ОАВда «Жисмоний ва

юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг моҳияти ва аҳамиятини очиб бериш, уни амалиётда қўллаш механизмлари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини ўтказиш;

8. Қонун ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини жамоатчилик томонидан муҳокама қилиниши бўйича республикада олиб борилаётган ишлар (таклиф этилаётган янги нормаларнинг, ижтимоий муносабатларнинг тартибга солиш механизмларининг аҳамияти) ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;

9. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг ижро этилиши борасида ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик ўртасидаги муҳокамаларини ўтказишга қўмаклашиш;

10. Аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини ошириш, ҳуқуқий билимларнинг тарғибот ишларини амалга оширишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш.

Давлат гранти ажратиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;

2. Давлат гранти лойиҳаси учун www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган ариза;

3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг устави (низоми) нусхаси;

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсия ва қўллаб-қувватлаш хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа — 25 миллион сўмдан грант миқдори — 25 миллион сўмдан.

Ҳужжатлар 2016 йил 10 майдан 10 июнгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига «Ўзбекистон почтаси» орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: **100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.**

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

ХОТИРА АБАДИЙ, ҚАДР МУҚАДДАС

■ Урушнинг оти ўчсин, бугунги тинчлик кунларимизга шукр қилайлик.

«УНИНГ ҲАМ ПАНОҲИ ҚАЙТМАДИ ЖАНГДАН...»

Чироқчи туманида яна бир муқаддас зиёратгоҳ — Хотира хиёбони барпо этилди. Унда Иккинчи жаҳон уруши жангоҳларидан қайтмаган аскарнинг йўлига кўз тикиб турган Мотамсаро она ҳайкали қад ростлади.

Бугун Бешчашма қир-адирлари майсага бурканган. Тез-тез ёғиб турган баҳор ёмғирларидан лалми ерлардаги бугдойзорлар яшнаб турибди.

Холмўмин Худойбердиев ана шу бепоён қирлар бағрида улғайган йигит эди. Ёлғиз ўғлини суйиб эркалар, умр йўлдоши билан орзулар осмонига учарди.

— Мен отам Холмўмин Худойбердиевни эслолмайман, — дейди **76 ёшли Эшмон Холмўмин**. — Қирқ учинчи йилда урушга кетганида 3 ёшда эканман. Ўша кунни 29 март кунни экан, буни менга онам Қизларой Қораева айтиб берган эди. Бор-йўғи иккита хат келган. Қанча жойларга ёзди, бедарак кетган, дейишди. Онам бечора ўша мактубларни бағрига босганича бир умр йўл қаради.

Йигитлар мактубин битганда қондан, Келинлар фироқдан чекканда ёху, Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан, Ўн тўққиз ёшида бева қолди у...
— Ҳа, бевалик онамнинг бир умрлик қисмати бўлди, — давом

этади Эшмон Холмўмин. — Бу шеърни неваралари ўқиб берганида, онам шўрлик ўқиб-ўқиб йиғларди. Мунгни кўзларига, аламни юрагига яшириб яшди. Қайта турмушга чиқмади. Ёлғиз фарзанди бўлмиш мени улғайтирди, ўқитди, олий маълумотли шифокор бўлдим. Ўзоқ йиллардан буён шу соҳада ишлаб келяпман. Уйландим, ўғил-қизлар кўрдим. Болаларимни онам катта қилди. 91 ёшида дунёдан ўтди. Сўнгги кунига «Отангни унутманглар, албатта, дарағи чиқади!», дер эди.

Бу бир оила кечмиши. Юртимиздаги ҳар бир оила мана шу кечмишга гувоҳ, алоқадор. Биргина Чироқчи туманидан урушга кетган беш минг аскардан, 2122 нафари қайтиб келди, холос. Қолганлари мудҳиш жангларда ҳалок бўлганди. Бугун уруш фахрийларидан 25 нафари ҳаёт. Уруш қатнашчиси Жўра Ёдгоров: «Урушнинг оти ўчсин, бугунги тинчлик кунларимизга шукр қилайлик», дейди.


— Президентимизнинг Хотира ва кадрлаш кунни муносабати билан айтган фикрлари мени тўлқинлантириб юборди, — дейди



«Қамолот» ЁИХ туман бўлими етакчиси Санжар Бобоқулов. — Урушда ҳалок бўлган юртдошларимизнинг қахрамонликлари ҳақида омон қайтган жангчилар ҳикоясини жуда кўп эшитганман. Бу хотираларни тинглаб, уларни ҳар бирини қахрамон дегим келади. Мамлакатимиз раҳбари Хотира майдонидаги суҳбатида биз ёшларнинг олдида ҳам бир қатор вазифалар қўйди. Уларни бажариш учун янада фидойи бўлишимиз, Ватанимиз шон-шувратини юксалтириш йўлида курашишимиз керак.

— Қаранг, қандай ёшларимиз бор, — дея фахрланади «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси, ЎзХДП фаоли Жўра Маманов. — Мустақиллик йилларида туманимизда жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хотира хиёбонининг барпо этилиши ҳаётимизда жуда муҳим воқеа бўлди. Унинг қурилишида барча иштирок этди.

Дарҳақиқат, Чироқчи шаҳри марказида Хотира хиёбонининг очилиш кунни катта тантаная айланиб кетди. Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйилди. Жан-



гоҳлардан қайтмаган умр йўлдошини умрининг сўнгги кунига кутган Қизларой момо каби ўнлаб, юзлаб вафо ва садоқат тимсолига айланган уруш аёлларининг орзуси ушалди. Уларнинг фарзандлари, неваралари учун муқаддас қадамжолар барпо этилди. Бу ёдгорлик урушда ҳалок бўлганлар оналари кўксидagi қайғу ва изтиробларни янада чуқурроқ англашга, бугунги тинчлигимизни кўз қорачиқдек асрашга бизни дават этади.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ҲАЙРАТ

Маълумки, спорт гимнастикаси бўйича ҳар қандай истеъдод ҳам асосий ютуқларга йигирма беш ёшгача эришади. Сўнгра жисмоний имкониятлари чекланиб боради... Натижада ўз ўрнини ёшларга бўшатиб беради.



Оксана — дунёда ягона

Бироқ ҳамюртимиз Оксана Чусовитина эришаётган галабалар бутун дунёни ҳайратга солмоқда. Яқинда 41 ёшга тўладиган матонатли спортчимиз халқаро майдонларда чинакам қахрамонлик кўрсатишда давом этмоқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, «Дўстлик» ордени соҳиби Оксана Чусовитина 1992 йилда Барселонада ўтказилган ёзги Олимпия ўйинларида олтин медал билан тақдирланганида эндиgina ўн етти ёшга тўлган эди. Шундан бери у кўп қарра Жаҳон кубоги мусобақаларида, ёзги Осиё ўйинларида бош совринларни кўлга киритди. 2008 йилда эса таяниб сакраш бўйича Пекин олимпиадасининг кумуш медали билан тақдирланди.

Ҳайратланарлиси шундаки, қаторасига олти бор Олимпия ўйинларида иштирок этган Оксана еттинчи мартаба бу ҳуқуқни кўлга киритди. Дунёда ҳали ҳеч ким бундай афсонавий ютуққа эришмаган.

Олдий спорт муҳлиси сифатида Оксана Чусовитинага мустаҳкам соғлиқ ва улкан зафарлар тилаймиз. Шундай ватандошимиз борлигидан фахрланамиз. Унинг матонати барча ёшларимиз учун ибрат намунаси бўлади, деб ўйлаймиз.

Каримжон САИДОВ,
меҳнат фахрийси.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ФАРҒОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ



Ўзбекистон аҳолисину, уруш қатнашчилари ҳамда меҳнат фахрийларини

9 май — Хотира ва қадрлаш куну билан табриклайди!

Юртимиз осмони ҳамиша мусаффо, тинчлигимиз барқарор бўлишини тилайди!



МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV
Muslihidin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 559
14552
nuxxada
bosildi.


Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 23:00
Topshirilgan vaqti — 23.20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 4 5